Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети

Обунанга 1 сўм 50 тийин. Сотувда — 3 сўм.

1992 йил 26 декабрь, шанба № 254 (21.352).

ЙИЛНИ БАРЧА СОҲАЛАР БЎЙИЧА МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАЙЛИК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ ВА ХЎЖАЛИК ҚУРИЛИШИ («ЎЗСАНОАТ ХЎЖАЛИККУРИЛИШ») ДАВЛАТ КОРПОРАЦИЯСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида саноат ва хўжалик қурилиши бошқарувини ташкил этиш самарадорлигини ошириш, қурилиш ташкилотлари ва корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватини кучайтириш, уларнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш, инвестиция дастурларини амалга ошириш чоғида ташаббускорлик ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қурилиш вазирлиги тугатилсин.

Тугатилаётган вазирлик таркибига кирган пудрат ва ихтисослаштирилган қурилиш трестларининг, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарининг ихтиёрийлик асосида Ўзбекистон Саноат ва хўжалик қурилиши («Ўзсаноатхўжаликқурилиш») давлат корпорациясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Саноат ва хўжалик қурилиши давлат корпорацияси:

Саноат ва хўжалик иншоотлари қурилишини таъминлайдиган барча мулкчилик шаклидаги қурилиш ташкилотларини, бинокорлик саноати корхоналарини, транспорт, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари ҳамда ихтисослаштирилган бошқа ташкилотларни акционерлик қоидалари асосида ихтиёрий равишда бирлаштиради;

юридик шахс ҳисобланади ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган корпорация устави асосида амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасининг Қурилиш вазирлиги илгари тузган барча шартномалар ва қабул қилган мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлади;

бевосита корпорация таркибига кирувчи бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг давлат мулкини бошқаради, уларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда белгиланган тартибда иштирок этади.

3. Қуйидагилар «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» корпорацияси фаолиятининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

саноат ва хўжалик иншоотларини барпо этиш ҳамда уларни қайта қуриш бўйича корпорацияга кирган компаниялар, корхоналар ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

Инвестиция соҳасида ягона илмий-техникавий ва норматив сиёсатни ўтказиш, инвестиция циклининг тубдан қисқаришини таъминлайдиган қурилиш ҳамда бинокорлик конструкциялари тайёрлаш янги технологияларини ишлаб чиқиш;

иншоотларни лойиҳалаш ва қуриш масалаларида илғор тажрибани ўрганиш ва ёйиш;

қурилиш машиналари, механизмларни, транспорт воситалари ҳамда махсус ускуналарни ишлаб чиқариш, фойдаланиш ва таъмирлашни ташкил қилиш;

инвестиция соҳасида бозор муносабатларини кенг жорий этиш, пудрат ишлари бозорини вужудга келтириш, қурилиш ишларини бошқаришнинг илғор, иқтисодий усулларига ўтиш, давлатга қарашли пудрат қурилиш ташкилотларини ҳамда қурилиш саноати корхоналарини бошқа мулкчилик шаклларига айлантириш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

Бинокорлик материаллари ва конструкцияларини, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмларни етказиб берувчилар билан бевосита шартномавий муносабатларни ўрнатишда корпорация таркибига кирган корхоналар ва ташкилотларга кўмаклашиш, энг муҳим халқ хўжалиги иншоотлари қурилишини белгиланган тартибда маълум миқдорларда ажратиб бериладиган моддий-техника ресурслари билан таъминлаш;

корпорацияга кирган корхоналар ва ташкилотлар тадбиркорлик фаолияти ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишларида, ҳорижий шериклар ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги корхоналар билан қўшма корхоналар барпо этишда уларга амалий ёрдам бериш.

4. Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддат ичида Ўзбекистон Саноат ва хўжалик қурилиши («Ўзсаноатхўжаликқурилиш») давлат корпорациясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалаларига оид қарорни қабул қилиб, корпорациянинг тузилмаси ва уставини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри.
1992 йил 25 декабрь.

КОРХОНА КАСБИНИ ЎЗГАРТИРДИ

СУРАТЛАРДА: 1. Дискали аккумуляторлар тайёрлаш цехининг йиғувчиси Гулчеҳра Солиева. 2. Штамповкачи Шаҳри Абдуллаева ва цех бошлиғи Григорий Боев аккумуляторлар корпуслари сифатини кўздан кечирмоқдалар. 3. Йиғувчи Людмила Ханкева.

Б. ТЎРАЕВ олган суратлар. (ЎзА).

*

Яқин-яқинларгача Жиззах аккумулятор заводи ёпиқ корхона деб ҳисобланарди. Чунки авваллари бу корхона тўртинчи цех деб аталиб, собиқ Иттифоқнинг мудофаа саноати буюртмаларини бажарар эди.

Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилингандан сўнг корхонада тайёрланаётган маҳсулотга эҳтиёж қолмади. Энди ушбу цехни ёпиш муаммоси турар эди. Лекин корхонадагилар цехни ёпмадилар. Балки уни тинч маҳсулот, яъни «Д—055» аккумуляторлари тайёрлашга ўтказишди. Бу ерда тайёрланаётган дискали аккумуляторлар ёритиш ва телеграф аппаратураларида қўлланилади. Бу ерда бир иш кунида 7 минг донадан кўпроқ ана шундай ноёб маҳсулот тайёрланмоқда. Бу ўз навбатида корхонага катта фойда келтираётир.

Корхона касбини ўзгартиргандан сўнг юздан зиёд малакали ходимларни сақлаб қолиш имконияти юзага келди. Участка ижодкорлари янги модификациядаги аккумуляторларни ишлаб чиқармоқдалар. буюмларнинг фойдаланишдаги сифатини яхшилашга ҳаракат қилмоқдалар. Ҳозир цех Санкт-Петербург шаҳридан йирик буюртма олди. Энди бу ерда НЛД—0,8, НЛД—038 типидаги аккумуляторлар тайёрланмоқда.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ВА ЎЗА МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР:

ВИЛОЯТ КЕНГАШЛАРИНИНГ СЕССИЯЛАРИ

● ТОШКЕНТ

Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Анжуман қатнашчилари Ўзбекистон Олий Кенгаши ўн биринчи сессияси якунлари ҳамда вилоят ҳокимлигининг 1993 ва шундан кейинги йиллардаги вазифалари хусусида вилоят ҳокими С. Сайдалиевнинг маърузасини тинглаб муҳокама қилдилар.

Сўзга чиққанлар ички имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳисобига қишлоқ хўжалик, айниқса чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш зарурлигига алоҳида эътибор бердилар.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов сўзга чиқди.

● ФАРҒОНА

Халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси якунлари ва вилоят ҳокимлигининг 1993 йилдаги вазифалари муҳокама этилди. Вилоят ҳокими М. Исломов шу ҳақда маъруза қилди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков нутқ сўзлади.

● СУРХОНДАРЁ

Термизда Сурхондарё халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Сессияда вилоят ҳокими Ҳ. Бердиевнинг ҳокимиятнинг 1992 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Сўзга чиққан ўртоқлар вилоят ҳокимлигининг ўтган даврдаги ишларини маъқуллаб гапирдилар ва айни пайтда халқ хўжалигининг муҳим соҳаларидаги жиддий камчиликлар тўғрисида тўхталдилар.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов нутқ сўзлади.

● ҚАШҚАДАРЁ

Қаршида халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн биринчи сессиясининг якунлари ҳамда вилоят ҳокимлигининг жорий йилдаги ишнатижалари ва кейинги йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Вилоят ҳокими Т. Хидиров шу ҳақда маъруза қилди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раиси Қ. Аҳмедов қатнашди.

● *Тадбиркорлар бор бўлсин*

КАСАЛЛИК ЧЕКИНДИ

Шўрчидаги дон маҳсулотларини ишлаш корхонаси қошида саломатликни тиклаш (профилакторий) маскани очилганида (1986 йил) ҳамма қатори корхона директори Абдимурод Ҳусанов ҳам хурсанд бўлганди. Ана энди ишчиларимиз касаллик нималигини билишмайди. Ишларимиз «беш» бўлади, деганди.

Орадан бирмунча вақт ўтиб корхона касаба уюшмасининг раиси Чапай Ҳусанов ҳасрат қилиб қолди.

— Эй, директор бова, касаллик варақалари кўпайиб кетди. Йиллик иш ҳақи фондимизнинг йигирма фоизи касаллик варақасига тўланаяпти, — деди.

Директор асабийлашганда ёки бирон гапни қаттиқ ўйлаганда лабларини маҳкам қисиб олади. Сўнг одамнинг ҳаёлига келмаган бир гапни айтиб юборади. Бу гал ҳам шундай бўлди.

— Нима, корхонамизда юқумли касаллик тарқаптими? — деб сўради раисдан.

— Ҳа... ай, йўғ-е. Юқумли касалликдан худо сақласин, директор бова! Лекин бошқа бир касаллик чиққан... Соппа-соғ одам шаҳар поликлиникасига боради. Таниш дўхтирга айтадики, уйимда ишим чиқиб қолди, ўн кунни қоралатиб касаллик варақасини оч, дейди. Дўхтирнинг белидан кетаяптими, бизга ҳам бирон халтача кепак-пепакдан бўлсин, дейди-да, қоғоз тўлдиради. Биздаги касаллик варақаларининг кўпчилиги шу — қатнаб даволандим, деганлардан.

— Вой ноинсофлар-ей... Давлатнинг кўзини куппакундуз куни ўйиб олиш-ку бу, — деди Ҳусанов яна лабларини маҳкам қисиб.

Шу хусусда улар кўп гаплашдилар ва ҳар гаплашганларида нега қалбаки варақа берасан, деб бирон дўхтирнинг ёқасидан олиб бўлмаслигига ишондилар. Демак, бошқача йўлини қилмоқ керак.

Йўли топилди. Йўлнинг топилишига директорнинг касалхонага тушиб қолгани сабаб бўлди. Ёши элликдан ошиптики, директорнинг ҳатто бирон марта иситмаси ошмаганди. Тумов бўлмаганди. Касаллик нималигини, касалхонанинг қандай бўлишини дўхтирларни, тўғриси касалхонага тушиб билди. Ва соғайиб чиқиши билан ўша профилакторий бағрида корхона учун касалхона очди. Чиройли жиҳозларни касалхонага бердилар. Дори-дармон учун пулни аямасликларини айтдилар. Дўхтирларни чертиб кўриб танладилар. Уларга катта маош тайин қилдилар ва бир нарсадан огоҳ этдилар: кимки қалбаки варақа ёзса ишдан бўшатилади. Кимки тоби қочса — ётиб даволанади.

Исмоил Эшқурбонов деган дўхтир бу гапни ичи кавак пўписа деб билдими, ишдан «қуён» бўлган иккитасига касаллик варақасини инъом қилди ва бу «саҳоватпешалиги» туфайли лавозим нарвонидан бир палла пастга туширилди.

Корхона ҳисобчилари энди ўзларининг шифохоналаридан бериладиган касаллик варақасини қабул қилиб оладилар(табиийки, касалликнинг айрим турлари бундан мустасно). Шу кичкинагина исловот сабаб бўлибми, корхонада ҳозир касалман деган одам жуда камайиб қолди. 30 ўринли шифохонани ишлатиб туриш учун корхона йиллик иш ҳақи фондининг 0,7 фоизи миқдорида маблағ сарфлаяпти. Энди касаба уюшмаси раисининг касаллик варақаларига иш ҳақимизнинг ўн беш — йигирма фоизи кетаяпти, деган гапини эсланг.

Яхши-да!

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯХШИ КАЙФИЯТ БИЛАН

Тошкент авиасозлари янги йилни яхши кайфият билан кутиб олмоқдалар. Чунки бирлашма касаба уюшмаси комитети жамоанинг кўплаб ижтимоий муаммоларини ҳал этиш тўғрисида жон куйдирмоқда. 1 январгача 58 хонадон яшайдиган уйни фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда. «Антей» фирма дўконининг иккинчи навбати ишга тушади. Бирлашма ишлаб чиқараётган халқ истеъмол моллари шу дўконда авиасозларга имтиёзли нархлар билан сотилади.

— Қишки таътил кунларида болаларни хурсанд қилиш учун ҳамма чораларни кўряпмиз, — деди бирлашма касаба уюшмаси комитетининг раиси Р. П. Абдураззоқов. — Янги йилга мўлжалланган режаларимиз эса жамоанинг ижтимоий масалаларини ҳал қилиш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга қаратилган.

(ЎзА).

...БИЛИБ ҚЎЙКИ, СЕНИ ВАТАН КУТАДИ!

Аввал хабар берганимиздек, Тошкент шаҳридаги турли олий ўқув юртларида таълим олаётган бир гуруҳ талабалар Ўзбекистон Халқ Демократик партияси вакиллари билан мулоқотда бўлишди. Газета саҳифаланаётган сўнгги соатларда тайёрлаб берилган ихчам ахборотда бу учрашувдаги самимий ҳаяжон ва чуқур таассуротни етказиш имкони йўқ эди, албатта.

Ўзбекистон Марказий Кенгашида ушбу партия раҳбарияти билан бўлиб ўтган бу қизиқарли учрашувни амалга оширилган бу жонли мулоқотни расмий тадбирлар тонфасига ҳеч ҳам қўшгинг келмайди киши. Кун сайин дадил одим отаётган мустақил давлат қаддини тиклаш учун нималар қилиш керак? Халқимиз бугунги давр ёшларидан қандай қадамлар кутмоқда? Шу ва шу каби масалалар хусусида бир-бирини яхши тушунадиган икки томон ўртасида дилдан суҳбат бўлди.

(Давоми иккинчи бетда).

1993 ЙИЛДА ЎҚИЙСИЗ:



Сир эмас: сўнгги етмиш йил мобайнида Марказининг зуғуми, ҳукмрон мафкуранинг тазйиқи остида оқни қора, қорани оқ дейиш, тарихимизни сохталаштириш ҳоллари юз берди. Тарихимизнинг буюк сиймолари қонхўр, ёвуз, золим деб аталди. Улар ҳақидаги бор ҳақиқатни айтишга жазм этганлар халқ душманига, миллатчига чиқарилдилар.

Ёмонотлиқ қилинган шундай зоти шарифлардан бири — буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур эди. Тўғри, у биздагина, ўз Ватанидагина рўшнолик кўрмади, хор бўлди. Аммо ҳорижда унинг тарихда тутган ўрнига холисона, илмий, тўғри баҳо берилди. У олимлар учун битмас-туганмас тадқиқот манбаига айланди. Буюк соҳибқирон ҳақида бадиий асарлар яратилди. Фильмлар чиқарилди. Бизда эса кўзимиз кўр, қулоғимиз кар бўлиб юраверилди. Аммо олий ҳақиқат тантана қилди: бобомизни қора бўёқлар билан қанчалик чалпимасинлар, у барибир мусоффолигини йўқотмай, тарих қатларини ёриб, яна ҳузуримизга ташриф буюрди.

Мустақиллик шарофати билан Ғафур Ғулом номидаги нашриёт савобли ишга қўл уриб, «Темур тузуклари»ни кўп сонли ўқувчиларга тақдим этди. Ўзбек тилида илк бор китоб ҳолида нашр этилган «Темур тузуклари»ни дўконлардан топиш амримаҳол. Биз шуни иккинчи марта олиб, ушбу китобни «Ўзбекистон овози» саҳифаларида эълон қилишга ваъда берган эдик. Мана, ниҳоят сиз ораниқиб кутган дамларга ҳам саноқли кунлар қолди. 1993 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН БОШЛАБ «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» БИЛАН РЎЗНОМА САҲИФАЛАРИДА ЮЗ КУРИШАСИЗ.

Яна бир гап. Таҳририят сиз, азиз газетхонларнинг ушбу китоб ҳақида билдирадиган фикр-мулоҳазаларингиз, таассуротларингиз ҳамда истакларингизга ҳам кенг ўрин бериш ниятидадир.

ХУЛЛАС, ЯНА БИР НЕЧА КУНДАН СЎНГ...

● *Шу сонга хабарлар*

ЧИҚИНДИ ЭМАС, ХОМ АШЁ

Бозор иқтисодиёти шароитида хом ашёнинг ҳар бир миқдори-ю сантиметридан самарали фойдаланиш талаб этилади. Зеро, тежамкорлик бугунги кунинг шиорига айланиб қолган. Жиззах шаҳридаги Ш. Рашидов номли ип-йигирув фабрикасида ҳам шундай қилинмоқда.

Энди бу ерда ишлаб чиқариш чиқитлари ҳам фойда келтира бошлади. Илгари ташлаб юбориладиган чиқиндидан тайёрланган маҳсулотнинг ҳар килограмми 320—400 сўм дан сотилмоқда. Гап шундаки, чиқит Германияда ишланган агрегатлар ёрдамида ип-калавага айлантирилаётир. Бу эса ўз навбатида Зомин, Ғаллаорол, Маржонбулоқдаги гилам фабрикаларига ҳом ашё сифатида етказиб берилмоқда. Корхона жамоаси йил охиригача 60 тонна ана шундай харидоргир маҳсулот тайёрлашга аҳд қилди.

ЙИЛЛИК РЕЖА УДДАЛАНДИ

Андижон вилоятидаги «Маданият» давлат хўжалиги чорвадорлари давлатга 850 тонна серқаймоқ сут топшириб йиллик режани барвақт уддаладилар.

Хўжаликнинг илғор сигир соғари Сония Мустафина боқимидаги сигирлардан мўл сут соғиб олиб, кўпчиликка ибрат бўлди. Унинг шогирди Ўғилхон Қаюмова эса устозидан қолишмасликка ҳаракат қилди. Устоз ва шогирд биргаликда «Тандем» аппарати ёрдамида 80 бош сигирнинг ҳар биридан 3 минг килограммдан сут соғиб олишди. Сигирлар тўйимли озуқалар билан боқилаётгани учун сутнинг ёғлилик даражаси юқори бўлаётир. Шу боис жамоа ҳисобига 25 тонна қўшимча сут ёзилди.

Бундай муваффақиятларга эришишнинг бойси бор, албатта. Қишловга пухта ҳозирлик кўрилди. Фермалар яхшилаб таъмирланди. 2,5 минг тонна силос, 610 тонна беда пичани, 628 тонна лавлаги, 1000 тоннага яқин сенаж ва сомон ғамлаб қўйилганди. Бу эса мавжуд 400 бош сигирни қишдан семиз ва дуркун олиб чиқиш имконини беради.

ЭЛЛИК ЁШЛИ «МАЛИКА»

ЛЕКИН УНДА НАФОСАТ, ГЎЗАЛЛИК ВА МАЛОҲАТ ҲАМОН БАРҚ УРИБ ТУРИБДИ

Ном ярашиқли, исми жисмига мос бўлгани яхши. Айтишларича, бунда ҳам бир ҳосият бор. Лекин биз кўрган «Малика» унақа-мунақалардан эмас. Тошкентда таваллуд топган, Жиззах-у, Нукусда из қолдирган. Ўзбекистонда довруғ таратган. Хорижий мамлакатларда харидори кўп. Бу ёғини суриштирсангиз, унинг атрофида 7 минг «канизак» парвона.

Бу ҳақдаги таърифни энди Рустамжон Ғуломовдан эшитинг. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти муҳандислик дипломини олган куни, 1971 йили «Малика» ҳузурида аввал ишчи, кейин мастер ёрдамчиси, цех бошлиғи бўлиб ишлади. Технологликка кўтарилди. Бош муҳандисликда ташкилотчилик қобилиятини намоён этди. 1985 йилдан бош директор.

Шу вақтда ўзи ишлаётган жамоанинг турли қатламлари билан суҳбатлашганда гап айланиб корхона номига бориб тақалаверди.

— Бирлашмага «Малика» номи таклиф қилинди, — ҳикоя қилади Тошкент трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Рустамжон Маҳкамович. — Бу ном, албатта, бежиз қўйилмаган. Бирлашма цехларида асосан хотин-қизлар меҳнат қилишади. Маҳсулотларнинг катта қисми ҳам хотин-қизларга атаб тайёрланади. Корхона номиданоқ аёлларимизга хос нафосат, гўзаллик ва малоҳат барқ уриб туради.

Исми жисмига мослиги хусусида шуни айтиш керак: бу ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳам шунга яраша — сифати яхшиланиб бормоқда. Корхона тамғаси босилган трикотаж буюмлар ўлкамиздаги ҳар бир оилада эъзозли.

Дарвоқе, оёққа туриш, шаклланиш, улғайиш, босқичларига ҳам назар солмасдан илож йўқ. Ахир, бу корхона республикамизда трикотаж саноати тармоғининг тўнғичи саналади. Жаҳон миқёсида трикотаж саноати минг йиллар аввал ҳам мавжуд бўлгани ҳолда, бизда унинг ташкил топиши-ю, тараққий эта бошлаганига энди 50 йил бўлди.

Пахтакор ўлкада трикотаж саноатининг туғилиши 1942 йилдан бошланди. Улуғ Ватан уруши даврида Ростов-Дондан кўчирилган трикотаж фабрикаси Ўзбекистон пойтахтида паноҳ топди. Ўша вақтда фабрика пайпоқ-трикотаж маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашганди. Йилига 22 минг дона пайпоқ-трикотаж буюмлари тайёрлаб чиқариларди.

Корхона тараққиёт босқичларига кўтарила бошлади. Ўз даврига хос янги, замонавий техника-ускуналар билан жиҳозланди. Шу тариқа 1960 йилга келиб 2 миллион донага етказиб устки трикотаж буюмлари ва 980 минг дона пайпоқ ишлаб чиқарилди. 1966 йилги Тошкент зилзиласи вақтида бу ерда пайпоқ тўқиш тўхатилди ва у Тошкент трикотаж фирмаси деб юритила бошлади. 1975 йилга келиб тўқув ускуналари «Текстима», «Кокетт—3,4», «Супер-Грант» каби эпчил тўқув машиналари билан алмаштирилди. Кейинги йилларда юксак малакали маҳаллий трикотажчилар авлоди етилиб қолди. У ҳозир хорижий давлатларга маҳсулот сотиб, ўзига керакли хом ашё ва материаллар ҳам харид қилмоқда. Эркаклар, хотин-қизлар ва болалар учун бежирим костюмлар, рангли рўмоллар, гулдор кўйлаклар ва ҳар хил устки-ички буюмларини ташқи бозорга чиқара бошлади.

Ўзбекистоннинг истиқлолга юз тутиши республикада трикотаж саноати тармоғининг имкониятларини кенгайтириб юборди. Шундай имкониятлардан баъзиларини санаб ўтиш мароқли. Аввало, мамлакат ичкариси ва ташқарисидаги шериклар билан алоқада сунъий тўсиқлар бартараф этилди. Ўзбек трикотажларига жаҳон мамлакатларининг қизиқиши ортди.

Биз билан алоқа ўрнатмоқчи бўлган хорижий фирмалар кўпая бошлади. Масалан, Германиянинг машҳур «Адидас» фирмаси билан ҳамкорлик ўрнатишга киришилди. Дастлабки ҳужжатлар имзоланди, ўзаро манфаатли шерикчилик асосида Тошкентда қўшма корхона барпо этиш имкониятлари ўрганилмоқда. Октябрь ойида Бирлашган Араб Амирликларининг Шоржи шаҳрида ўтказилган жаҳон кўргазма-ярмаркаси Ўзбекистонда тайёрланган трикотаж буюмларига харидорлар кўп эканини намойиш этди.

Жаҳон бозорига чиқиш — мураккаб масала. Лекин унинг қийинчиликларини тўла-тўкис енгиш мумкин, дейишмоқда Тошкент трикотажчилари. Бирлашма жамоаси бозор иқтисодиёти шароитларида фойда-зиённи обдон фарқлаб, ўз ривожланиш йўлларини белгилаб олмоқда. Бу йўл, аввало, маҳсулотлар сифатини яхшилаб боришдан иборат. Харидоргир маҳсулотлар жаҳон бозорида Ўзбекистон обрўсини ошириб, трикотажчилар жамоасига маблағ жамғариб, унинг бир қисмини ишлаб чиқаришни мукаммал технология билан таъминлаш, қолган қисмини ишчи-хизматчилар турмушидаги тақчилликни камайтиришга сарфлашга ёрдам беради.

— Очиғини айтганда, трикотажчилар турмуш-тирикчилиги кўпгина ҳамкасблариникидан дуруст, — деди Рустамжон Маҳкамович. — Ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг. Хом ашё танқислигига қарамай, малакали ишчиларни бўшатиб юбормасликка, ортиқча қисқартиришларга йўл қўймасликка ҳаракат қилмоқдамиз. Нархнаво кўтарилаётганини ҳисобга олиб маошларни оширишга боряпмиз. Иш ҳақи салмоғи жиҳатидан трикотажчилар Ўзбекистон енгил саноат уюшмаси корхоналари орасида учинчи ўринга чиқиб олишди. Бу соҳада «Қизил тонг» ва «Юлдуз» тикувчиларигина биздан олдинда боришмоқда.

Корхона юбилейи олдидан жамоа аъзолари ўртача ойлиги яна 25 фоиз оширилди. Овқатланиш ва транспорт учун ҳар бир ишчига тўланадиган ҳақ сентябрь ойидан бошлаб 350 сўм қилиб белгиланди. Хумсондаги оромгоҳ жамоа аъзоларига яхши хизмат кўрсатяпти. Бирлашма бош корхонаси ҳузурида маиший хизмат мажмуини барпо этишга киришилди.

«Малика» ўзининг қутлуғ ёшида аҳолини ранг-баранг трикотаж буюмлари билан тўкис кийинтиришга интилиб, иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлиб бормоқда. Бирлашма шу кеча-кундузда Ўзбекистонда тайёрланадиган трикотаж буюмларининг 40 фоизини ишлаб чиқармоқда. Мустақиллик берган имкониятдан баҳра олган бирлашма жамоаси яқин фурсатда йилига 300 номдаги 26 миллион дона кўркам кийим-кечаклар тайёрлаб чиқарадиган бўлади.



Жўра ХОЛҚОСИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ КОДЕКСИНИНГ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИНИНГ АЙРИМ МОДДАЛАРИНИ ҚЎЛЛАНИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қатор моддаларида назарда тутилган кўп миқдорда, кўп зарар, анча зарар, жиддий зиён дейилганида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг эллик баробаридан ортиқ миқдордаги моддий зарар, жуда кўп миқдор дейилганда эса белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг юз баробаридан ортиқ миқдордаги моддий зарар тушунилиши ўқтирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексининг 56-моддасида назарда тутилган талон-торож қилинган давлат ёки жамоат мулкининг қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг ярмидан ошмаса, оз миқдорда талон-торож қилганлик ҳисобланади. Бунда талон-торож қилинган буюмларнинг натура шаклидаги миқдори (вазни, ҳажми) ва халқ хўжалиги учун зарур аҳамияти ҳисобга олинади.

3. Чайқовчилик орқасидан орттирилган фойда миқдори белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан ошмаса, у Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексининг 171-моддасида назарда тутилган майда чайқовчилик деб ҳисобланади.

Чайқовчилик орқасидан орттирилган фойда миқдори белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробаридан ортиқ бўлса, уни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 175-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган кўп миқдордаги чайқовчилик деб, белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш баробаридан ортиқ бўлса, уни шу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган жуда кўп миқдордаги чайқовчилик деб тушунмоқ керак.

Чайқовчилик турини белгилаш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш чоғида, чайқовчилик орқасидан ҳақиқатан орттирилган ёки орттирилиши мўлжалланган фойда миқдоридан ташқари, қайта сотиш учун харид қилинган ва ошиғи билан сотилган моллар ёки бошқа буюмларнинг қиймат ва миқдори ҳам ҳисобга олиниши лозим.

4. Алдаш орқасидан топилган маблағ миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг икки юздан бир қисмидан ошмаса, у Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексининг 166[1]-моддасида назарда тутилган харидорлар ва буюртмачиларни унча кўп бўлмаган миқдорда алдаш деб ҳисобланади.

Алдаш орқасидан топилган маблағ миқдори энг кам ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлса, у Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 177-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган харидорлар ва буюртмачиларни кўп миқдорда алдаш деб ҳисобланади. Бунда қилинган жиноятга баҳо бериш масаласини ҳал этишда сотилган товарларнинг тури ва қиймати, бажарилган буюртмаларнинг тури ва қиймати, аҳолига кўрсатилган хизматнинг тури ҳам ҳисобга олинади.

5. Белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан ортиқ миқдорда қонунсиз олинган ҳақ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177[1]-моддасида назарда тутилган кўп миқдорда қонунсиз ҳақ олганлик деб ҳисобланади.

6. Юқорида баён этилганлар муносабати билан:

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1981 йил 27 октябридаги «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177[1]-моддасини қўлланиш тартиби тўғрисида»ги қарорининг 5-банди (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1981 йил, № 31, 598-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1983 йил 19 декабридаги «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 175-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Майда спекуляция учун жавобгарлик тўғрисида»ги 1957 йил 11 декабрь Фармонини қўлланиш тартиби тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1983 йил, № 36, 544-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1984 йил 1 мартидаги «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддаси иккинчи қисмини қўлланиш тартиби тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1984 йил, № 7, 111-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради ҳамда ушбу қарор амалга кирган кунга қадар судларнинг ҳукмлари қонуний кучга кирган маҳкумларга нисбатан қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЎЗЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 9 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Алимуҳамедов Абдулла Турғунович,
Мусурмонқулов Назарқосим Артиқбаевич,
Холмонов Мухиддин Эрмонович — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг аъзолари этиб сайлансин.

2. Жалилов Мамур ўз розилигига биноан бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг аъзоси, шу суд Раёсатининг аъзоси вазифаларидан;

Зокиров Низаметдин Дониевич ўз розилигига биноан бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг аъзоси вазифасидан;

Шораҳимов Усмон пенсияга чиқиш муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг аъзоси, шу суд Раёсатининг аъзоси вазифаларидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЎЗЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 9 декабрь.

• *Акс-садо*

ЕР—МУҚАДДАС МУЛК

Биз «Ўзбекистон овози»нинг 12 декабрь сонида босилган Ўзбекистон ФАнинг мухбир аъзоси С. Ғуломов ва профессор Қ. Ҳамдамовнинг «Ерни кимга берган маъқул?» сарлавҳали мақоласини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдик.

Дарҳақиқат бой илмий ва ҳаётий тажрибага эга муаллифлар шу кунларда ҳамманинг дилидаги, тилидаги долзарб масалани тилга олганлар.

Инсон боласи она қорнидан тушиб заминга оёқ қўяди. Ерга ҳам она, момо сифатларининг нисбат берилиши бежиз эмас. Зеро, ер барча ризқу-рўзимиз манбаи бўлиб, унга бўлган муносабатимиз тириклик мазмуни билан узвий боғлиқдир.

Аммо, минг афсуски, ернинг тақдирига енгил-елпи муносабатда бўлаётган ёки бу масаланинг муҳимлигини англаб етмаётган кишилар ҳаётимизда учраб турибди. Россия шаҳарларидаги баъзи митингларда янграётган гапларга қулоқ солсангиз, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Баъзи маҳмаданаларнинг наздида ер одамларга тўла хусусийлаштириб берилса, ҳамма муаммолар ўз-ўзидан ечилиб, олам гулистон бўлар эмиш. Ахир бутун умрини ер илмига бағишлаган таниқли алломалар, суяги далада қотган бободеҳқонлар билишадими ёки сизларми дегинг келади уларга.

Агар ўша бақироқлар асоссиз даволарини ўз юртларида айтсалару бундан бошқалар ранг олишмаса майли эди, лекин ўзимиздаги айрим ҳаётдан узоқ «гапдон»лар у ёқдаги ғояларни сунъий равишда маҳаллий ва миллий шарт-шароитни ҳисобга олмай татбиқ этиш таклифини олға сурмоқдалар. Олимларимиз ўз мақолаларида ердан фойдаланиш хусусида ҳаётий хулосаларга таянган ҳолда оқилона мулоҳазаларни ўртага ташлашган. Биз ишлаб чиқариш билан узлуксиз боғланиб ишлаётганлар мақоладаги гапларга тўла қўшиламиз. Муаллифлар фикрининг исботи сифатида ўз районимиздан жонли мисоллар келтирмоқчи эдим.

Қарийб 100 минг аҳоли яшайдиган районимизда 16 минг гектардан зиёд экин майдони мавжуд. «Маданият», Усмон Юсупов номли жамоа хўжаликларида аҳоли жон бошига 0,81 гектардан тўғри келади. Қани, ўйлаб кўрайликчи, шундай шароитда ерни хусусийлаштириб, сотиб бўладими? Айни пайтда ҳар йили аҳоли сони ошиб бормоқда. Бунинг устига бир район ёки хўжалик ҳудудида тупроқ тузилиши, экинзорларнинг сув билан таъминланиши турлича эканлиги ҳам масалани мураккаблаштиради.

Шу йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов вилоят, шаҳар ва районларнинг ҳокимлари билан учрашув ўтказганида ҳам бу масалани ҳал қилишда шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидлади. Дарҳақиқат, мазкур муаммони ҳал этишда аҳолининг иқтисодий-ижтимоий хусусиятларини ва ҳозирги тангликни ҳисобга олган ҳолда туб ислоҳотларни ривожлантириш давр тақозосидир.

Хўш, ҳозирги пайтда ерни хусусийлаштириш мақсадга мувофиқ эмас экан, ҳосилдорликни ошириш, замин самарадорлигини яхшилаш учун қандай усуллар мақбул? Бу саволга мақола муаллифлари қишлоқ хўжалигига ижара пудратини жорий этишдир, деб жавоб беришадики, бу фикр ҳам пухта заминга асосланган. Бизда Асад Шокиров номли жамоа хўжалиги 1000 гектарга яқин ер майдонини ижарачилар ихтиёрига топширди. Уч минг нафардан зиёд ижарачи ерларни 2—3 йиллик муддат билан қабул қилишган. Дастлабки натижалар чакки бўлмаяпти.

Лекин ҳаёт бу хил янгиликларни жорий этишда ҳам пухта ёндашув зарурлигини эслатмоқда. Яъни хўжалик маъмурияти ва ижарачилар ўртасидаги шартномалар хомлиги, ҳар тарафлама пухта эмаслиги кейинчалик сезилиб қолаётир. Мен ҳашар йўли билан ариқ-зовур очиш, ем-хашак тўплаш ишларига одамларни жалб этишда қийналаётган хўжалик раҳбарларининг нолиганларига гувоҳман. Демак, ижара пудратини жорий этишда бажариладиган юмушларнинг икир-чикирларигача ҳисобга олиш керак.

Районимиздаги хўжалик раҳбарлари, бош мутахассислар қишки ўқув машғулотларида «Ерни кимга берган маъқул?» мақоласини зўр қизиқиш билан муҳокама қилдилар. Эл назарига тушган олимлар кўпчиликнинг кўнглидаги гапларни ёзишибди, дейишди. Биз «Ўзбекистон овози» газетаси ижодий жамоасидан бундан кейин ҳам шу хилдаги долзарб ва қизиқарли мақолалар бериб боришларини сўраймиз. Ер билан ишловчи миришкорларнинг, пешона тери эвазига эл-юртга ноз-неъмат етиштирувчиларнинг истаги шундай.

Элмурод ШОМУРОДОВ,
Бухоро районн ҳокими.

• *Янгиликдан хабарингиз борми?*

ЁҒ, СОВУН, УН—БЕПУЛ

● Дўстлик районидаги Қосим Раҳимов номли давлат хўжалигида бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш яхши йўлга қўйилган.

Хўжалик маъмурияти буйруғига кўра механизатор ва чорвадорларнинг ҳар бирига 10 килограммдан пахта ёғи, 6 донадан совун, бир қопдан ун бепул тарқатилди. Ғўнг ташиб чиқариш ва уни сочишда қатнашаётган тракторчилар билан ишчиларга бир тонна ғўнг учун шу куннинг ўзида 10 сўмдан нақд пул берилаяпти. Шундай қилиб, маҳаллий ўғит ташиб ва далага сочишда қатнашаётганларнинг ҳар бири кунига 2—2,5 минг сўмдан пул ишлаяпти. Бу эса ўз навбатида қишки дала ишларининг сифатли бажарилишини таъминламоқда.

Хўжалик маъмурияти 50 нафар чорвадорни моддий мукофотлади. 20 кишига эса ёғ, совун, ун бепул берилди. Садаф Норзуллаева, Муккаррам Ўролова, Анора Ўроловалар ана шулар жумласидандир.

Турдибой СОЙНАЗАРОВ.

...БИЛИБ ҚЎЙКИ, СЕНИ ВАТАН КУТАДИ!

(Давоми. Боши биринчи бетда).

— Биз ёшлар ҳақида, уларнинг жамиятдаги муаммолари тўғрисида партиямизнинг Дастури ва Низоми устида ишланаётган пайтдаёқ ўйлаган эдик, — деб сўз бошлади ЎзХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби Маҳмуджон Расулов учрашувни очар экан. — Шу боисдан ҳам Дастуримизда: «Ўзида маданий ва тарихий меросни жо қилган ёш авлод Ўзбекистоннинг маърифат-маданият чўққиларига эришишда асосий таянчдир», деб битилган. Зеро, ёшлар муаммолари бутун жамиятимизнинг ташвишлари билан чамбарчас боғлиқдир. Бугунги учрашувдан мақсад илм толиби бўлган ёшларимизни қандай масалалар ташвишлантираётганини, эришган мустақиллигимизга муносабатларини уларнинг ўзларидан эшитиш, шунингдек, ёшларимизнинг талаб ва эҳтиёжларига, илмий, маданий, сиёсий савияларини оширишга эътиборни кўпроқ қаратишдан иборатдир. Бинобарин, бугунги кунда партиямиз сафида 350 мингдан зиёд аъзо бўлса, уларнинг ҳар беш нафаридан бири 30 ёшгача бўлган навқирон авлод вакилидир. Ёки партиядош дўстларимизнинг ярми 40 ёшга тўлмаган йигит-қизлардан иборат. Шу маънода ёшларнинг муаммолари сиёсий партиянинг ҳам ўй-режаларида акс этиши табиийдир.

Партия раҳбари Халқ демократларининг жамиятимизда тутган мавқеи ҳақида жонли мисоллар асосида гапириб берди. Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси яратилишига қўшилган ҳисса ҳақида сўз юритди.

Ёшларнинг ўй-андишалари, бугунги ташвишлари етакчи партиямиз учун қанчалик аҳамиятли? Гап шундаки, жамиятимизда рўй бераётган ўзгаришлар, ислоҳотлар биринчилар қаторидаги ёшларга таъсир қилади. Айни пайтда улар билан қуруқ расмий тилда гаплашиш ярамайди, балки ёш қалблар томон алоҳида йўл топиш керак. Шу маънода партия Марказий Кенгаши ёшларнинг севимли нашри «Ёшлик»ка ҳаммуассис бўлгани ҳам бежиз эмас.

Ўзбекистон мустақил бўлди. БМТга аъзо бўлган 140 дан зиёд мамлакат унинг тан олди. 60 га яқин давлат Тошкентда ўз элчихонасини очмоқчи. Демак, шунча мамлакат вакиллари халқимиз турмуш тарзини кузатишади. Шу жиҳатдан, айниқса, ёшларимиз ўзларига нисбатан талабчан бўлишлари керак. Суҳбат шу асноса бошқаларнинг ҳам иштироки билан қўр ола бошлади.

— Халқ Демократик партияси биз, ёшлар ҳаёти билан қизиққанидан мамнунмиз, — деб сўз бошлади Ҳуқуқшунослик институти талабаси Баҳодир Худойбердиев. — Мен ўқув юртимиз ёшлар иттифоқининг раисиман. Нимаики муаммо туғилса, ректоримиз Анвар ака Аъзамхўжаев билан баҳамаслаҳат ҳал қиламиз. Умуман, институт раҳбарияти доимо бизнинг ўй-ташвишларимиз билан қизиқиб туради.

Молия институти талабаси, ЎзХДП аъзоси Холиқул Тўлагановнинг мулоҳазаси кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортди.

— Талабалар шаҳарчасида ҳар хил тижорат дўконлари очишни тўхтатиш керак, — деди у. — Бундан кўра, бизларбоп кичик корхоналар очилса, машғулотдан бўш пайтларимизда ишлаган бўлар эдик. Шунингдек, бизга қулайлик яратиш учун темир йўл, автобус чипталари сотадиган кассалар бўлимлари очилса яхши бўларди.

— Мен ётоқхонада ҳоким вазифасида ишлайман, — дейди Доришунослик институти битирувчи курс талабаси Зуҳра Тожибоева. — Авваллари машғулот ўтказишга хона етишмасди. Институт ҳовлисидаги бинони дарс ўтишга қайта жиҳозлаганимиздан сўнг ишлар юришиб кетди.

— Шу олаговур замонда, ҳамма ўз ташвиши билан банд юрган пайтда биз ёшларнинг сўзига, дардига қулоқ соладиган ташкилот топилганидан хурсандмиз, — дейди Техника дорилфунуни талабаси Жуманазар Мирзаев. — Партия аъзолари энди янада ичкарироқ кириб боришса, кўнгилдагидек иш бўларди.

Суҳбат айни авжига чиққанда ЎзХДП Марказий Кенгаши котиби А. Х. Саидов сўз олиб қолди:

— Айрим ёшларимиз шарт-шароитдан нолиб, биздан етук кадр бўлиб чиқиш учун ҳамма имкониятлар яратилмаган, деб қолишади. Мен улардан ўзингизни жаҳон даражасидаги талабаман дея оласизми, дея сўрагим келади. Айтайлик, инглиз тили курсини ўтаган талабага ўша тилда гапирсангиз бемалол суҳбатлашиб кетолмайди. Яна бир гап. «Ёшлар — бизнинг келажагимиз» деган одатий иборани кўп эшитамиз. Назаримда, мана шу гапда қандайдир лоқайдлик, бепарволик бордай. Келажагимизми, демак бугун аҳамият бермай турсак бўлади, деганга ўхшаган кайфият зимдан сезилади. Мен бу калимага «бугунимиз ҳам» деб қўшгим келади.

— Биз талабалар мустақил мамлакатимизнинг биринчи Конституциясидан бениҳоя фахрландик, — деди Тошкент давлат университети иқтисодиёт факультети талабаси Роза Яҳёева. — Унда инсон ҳуқуқлари тўла акс этган. — Мен тенгдошларим орасида Ватан туйғуси, ундан фахрланиш ҳисси етарли, дея олмайман. Ахир, қиндик қони тўкилган замин билан, миллатнинг номини байроқ қилган мамлакат билан ғурурланмай бўладими? Дунёга донги кетган давлатларнинг фуқаролари ўз Ватани учун қанчалик жон куйдиришларини, фидойиликларини тасаввур этинг. Агар талабанинг қалбида шу туйғу жўш урса, ҳар қандай қийинчиликларга тайёр туради.

— Институтимиз шаҳарнинг чеккасида жойлашган, — дейди Болалар тиббиёти институти талабаси Зуҳра Аҳмедова. — Ётоқхонамиз эса Қибрай райони ҳудудида. Шаҳарнинг катта ҳаётидан узилиб қолганмиз, десак, ишонаверинг. Ҳаммомга 7—8 бекат йўл юриб, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи олдигача борамиз. Шамоллаб қолганлар қанча. Касалланган дўхтирни эса тасаввур қилаверинг.

Ҳамма ўз кўнглида тўпланиб қолган дардларини ёзғирди. Хўш, бу ёғи нима бўлади? Мақсад фақат юракни бўшатиб олишмиди? Асло ундай эмас. Биринчи котиб, гўё бу савол туғилишини олдиндан пайқагандай, шундай якун ясади. Бу ерда айтилган гаплар тезкорлик билан умумлаштирилади. Сўнгра уларни ҳал этиш учун тегишли идоралар, вазирликлар олдига кўндаланг қўйилади. Ўтган бир йилдан зиёд муддат ичида бу йўл ўзини тўла оқламоқда. Шу тариқа Халқ Демократик партияси раҳбарлари одамлар томир уришини илғаб, халқ ҳаётига ошно бўлишмоқда. Бу эса вазиятни назорат қилиш, кўпинча олдиндан кўра билиш имконини беради. Айни пайтда ЎзХДП Марказий Кенгаши республика касаба уюшмалари кенгаши ҳамда Ёшлар Иттифоқи билан ҳамкорликда 500 минг сўмдан қўшиб, студентлар жамғармаси тузмоқчи. Мазкур фонд маблағи талабаларни ижтимоий ҳимоялаш ишига сарфланади. Партиямиз ҳисобидан Техника дорилфунуни талабалари учун текинга бир автобус ажратилди.

Учрашув сўнггида талабалар ҳозирги сиёсатни қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Очиқ хат йўллашди.

Суратларни М. БОЛТАБОЕВ олган.

О. НАЗАРОВ,
Ш. ЖАББОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

АСРИЙ ОРЗУ УШАЛДИ

● Қарши районидаги Энгельс номли давлат хўжалигида жойлашган Янгибоғ ва Тахтапул қишлоқларида яшовчи уй бекаларининг рўзғор юмушлари енгиллашди. Мазкур аҳоли пунктларидаги қарийб 500 хонадонга табиий газ келди.

Президент фармонига биноан ана шу қишлоқлар аҳолисининг асрий орзуси ушалди. Водопровод қувури ётқизилиб, чучук сув келтирилди. 4 километр носоз йўл асфальтланди. Тегирмон ва 2 та мойжувоз ишга тушди.

— Буларнинг ҳаммаси меҳнат аҳли учун, — дейди хўжалик директори Неъмат Ёрматов. — Жорий йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдан 140 миллион сўм даромад олишни мўлжаллаяпмиз. 1993 йилда яна 6 километр масофага табиий газ тортилади. Чуғдума қишлоғи ҳам тўлиқ газлашади. Бундан ташқари, 5 километр йўл асфальт қилинади. Хуллас, камида 20 миллион сўмлик маблағ аҳолининг ижтимоий аҳволини яхшилашга сарфланади.

Мусо КАРОМОВ.

СИФАТИГА КАФОЛАТ БЕРИШАДИ

● «Араллада» техник хизмат кўрсатиш акционерлик жамоаси ҳар хил маркадаги «Жигули» енгил машиналарини кафолатли ремонт қилиб беришни йўлга қўйди.

— Янгидан келаётган енгил машиналар ҳам, эҳтиёт қисмлар ҳам ҳаддан ташқари камайиб кетди, — дейди «Араллада» акционерлик жамоаси раиси Эгам Мухторов. — Биз етишмовчиликларга қарамасдан ўзимизнинг ички имкониятларимиздан кенгроқ фойдаланмоқдамиз. Мижозларнинг машиналарини кафолатли ремонт қилиб бермоқдамиз. Эҳтиёт қисмларнинг 15—18 турини қайта тиклашга эришдик.

Кейинги йилларда Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа, Амударё, Тахиатош, Қораўзак каби шаҳар ва районларда енгил автомашиналарга техника хизмати кўрсатиш станциялари қурилиб, ишга туширилди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 28. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Тошкент. Эски шаҳар лавҳалари». Телефильм.
7.50 «Оловиддиннинг сеҳрли чироғи». Бадиий фильм.
9.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Истеъдодларни излаймиз».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Акапро». Мультфильм.
18.30 Болалар учун. «Кичкинтой»га хат келди».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Илҳом Иброҳимов куйлайди.
19.50 Ўзбекистон халқ шоири Қуддус Муҳаммадий ижодхонасида.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Шаҳар бедарвоза эмас».
21.40 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.10 «Ғаройиб бола». Бадиий фильм.
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Ассалому алайкум».
19.30 Болалар учун. «Совға».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 «Билиб қўйган яхши».
20.25 «Лаҳза». Хабарлар.
20.35 «Сиздан учина, биздан бугина». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20— Кўрсатувлар тартиби.
6.00 «Якунлар».
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 Халқ куйлари.
9.35 «Тинглаб, томоша қилинг...».
9.55 Қадимий сахий эртаклар. «Қора жодугарнинг совғаси».
11.10 «Янги авлод танлайди».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Субҳидам лаҳзаларининг белгиси».

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
15.55 «Ён дафтар».
16.00 «Билмасвойнинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм. 1—4-серия лар.
17.05 «Стартинэйджер».
17.50 «Технодром».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Иқболи кулганда».
19.05 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.
19.25 «Гол».
19.55 «Бувижонларимиз нималардан кулишган!». Юмор антологияси.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Спорт уик-энди».
21.40 «Турмуш иккир-чикирлари». Бадиий телесериал премьераси. 13-серия.
22.10 «Янги студия» таништиради: «Матбуот клуби». Тамаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Рост» студияси. «Мусиқий саргузаштлар».
9.15 «Интеркут-шоу». Қўғирчоқ ўйинлари кўрсатилади.
10.20 Маза, таътиллар. «Пан Клиэсанинг саёҳати». Бадиий фильм. 1-серия.
11.40 «Параллеллар».
11.55 «ТИНКО» Савдо уйи.
12.00 Мульти-пульти.
12.10 Кундузги сеанс. «Петербург билан хайрлашув». Бадиий фильм.
13.45 «Деҳқонларга таллуқли масала».

* * *

15.55 Россияда бизнес.
16.25 «Рост» студияси. «Эски тегирмон». 1-кўрсатув.
16.55 Янгиликлар.
17.10 Трансросэфир. «Кавказ-реве».
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
18.20 Эълонлар.
18.25 Ногиронлар ижодиёти I Бутунроссия фестивали.
18.55 Маза, таътиллар. «Моцарт» операцияси». Кўп серияли бадиий телефильм (Франция). 1-серия.

19.25—22.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.50 Душанба куни детектив. «Иможен». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси (Франция). 1-серия.

Сешанба, 29. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Вулқонлар диёри». Телефильм.
7.55 Болалар учун фильм. «Эл ардоқлаган артист».
9.15 Усмирлар учун. «Ўйла! Изла! Топ!».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Декабрь», «Беленел ва Меленел Янги йил кутади». Мультфильмлар.
18.25 «Нега қиш бўлади!». Фильм-концерт.
18.55 «Спортлото».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Ўзбек куйларидан концерт.
19.50 «Чотқол чўққилари». Телефильм.
20.00 «Хайр, Олимпиада йили». Спорт кўрсатуви.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда».
21.20 «Сиз кутган дақиқалар». Ўзбекистон халқ артисти Тўйчи Орипов.
22.20 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.50 «Шаҳар таронаси». Бадиий фильм.
00.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Ёнғинидан эҳтиёт бўлинг».
19.00 «Шарқ лирикаси».
19.20 «Суперспорт».
20.05 «Кутилмаган ташриф».
20.45 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 00.35 —Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Эспаньола» ансамбли чалади.
9.35 «Гол».
10.05 Қадимий сахий эртаклар. «Питер Пэн». 1-серия.
11.25 «Турмуш иккир-чикирлари». Бадиий телесериал. 13-серия.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Д'Артаньян ва уч мушкетер». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
13.45 «Мушук Леопольд тушида ва ўнгида». Мультфильм.
13.55 «Фаворит». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Ишбилармон кишилар хабарномаси».
15.40 «Ён дафтар».
15.45 Д. Шостакович. Фортепиано ва оркестр ижроси учун 1-концерт.
16.10 «Билмасвойнинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм. 5—7-серия лар.
17.05 «Рождество мусиқий эртаги».
17.50 «Мушук Леопольднинг ёзи». Мультфильм.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Қалбинг ҳарорати» кўрсатувини таништиради (Минск).
18.55 «Ҳанотли, паҳмоқ ва мойли...». Мультфильм премьераси.
19.05 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Австралия).
19.55 «Мавзу».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.20 «Кинопанорама»нинг байрам сони. Кўрсатувнинг 30-йиллигига бағишланади.
23.20 «Шеърият альбоми». А. Вознесенский.
23.40 Тула Давлат хорининг концерти.
24.00 Янгиликлар.
00.40 Журналистлар текшируви.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 Ретро. Л. Миров ва М. Новицкий.
9.30 Ишдан бўш пайтингизда. «Қўлни бер, дўстим».
9.45 «Гап-гаштакларни қўмсаб».
10.15 Маза, таътиллар. «Пан Клиэсанинг саёҳати». Бадиий фильм. 2-серия.
11.35 Танаффус. «Яблоко» гуруҳи.
11.40 Кундузги сеанс. «Имомен». Кўп серияли бадиий телефильм. 1-серия.
13.10 «ТИНКО» Савдо уйи.
13.15 «Деҳқонларга таллуқли масала».

* * *

15.55 «Телебиржа». Янги йил олди сони.
16.25 «Тану жоним». 3-кўрсатув.
16.55 Янгиликлар.
17.10 Трансросэфир. «Аҳволлар қандай, Уфа?».
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
18.20 Эълонлар.
18.25 Маза, таътиллар. «Моцарт» операцияси». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 2-серия.

18.55—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 «Қора хўроз йили».
23.20 «Афсунгар қиш».
00.05 «Арт-обстрел».

Чоршанба, 30. XII

Бугун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ички ютуқлар заёми тиражи ўйналади. Заём эгаларига омад тилаймиз.

*

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Бухороча эртак». Фильм-концерт.
8.00 «Качал полвон». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли.
9.00 «Замин қалбига қулоқ тут». Телефильм.
9.30 «Заём-92». Тошкент шаҳридан репортаж.
10.30 «Мафтунингман». Бадиий фильм.
11.50 «Нафосат гулдастаси». Фильм-концерт.
12.30 Телефильм.
13.00 «Заём-92». Тошкент шаҳридан репортаж.

* * *

17.00 «Заём-92». Репортаж.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қор бола». Мультфильм.
18.30 Болалар учун. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.00 Лирик концерт.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадиий фильм.
22.20 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.50 «Заём-92» тиражининг якунлари. «Омад» кўрсатуви.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Рақслар, рақслар, рақслар».
20.20 «Олимпиада одиссеяси».
21.20 Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 В.-А. Моцарт. 15-симфония.
9.35 Қадимий сахий эртаклар. «Питер Пэн». 2-серия.
10.45 «Нима! Қаерда! Қачон!».
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Д'Артаньян ва уч мушкетёр». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
13.55 «Фаворит». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Билмасвойнинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм. 8—10-серия лар.
17.10 «Қизлар орасидаги сир».
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.
18.50 «Миниатюра». Мусиқий кўрсатув.
19.05 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.55 «Тасвирдаги суврат». Е. Леонов.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Катта Янги йил оқшоми». Телевизион бадиий фильм.
22.35 Д. Хворостовский опералардан ариялар ижро этади.
23.25 «Хайр, фалсафа». Б. Пастернак ҳақида телефильм премьераси («Экран» Германиянинг «Рургаз аг» компанияси ҳамкорлигида суврат олган).
24.00 Янгиликлар.
00.40 «50х50» программасининг Янги йил дискотекаси.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 «Асил ҳолича».
9.50 «Параллеллар». Тонгги концерт.
10.05 Маза, таътиллар. «Муз кабкра». Бадиий фильм.
11.15 «Арт-обстрел».
12.15 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 114-серия.
13.05 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонани клуб».
13.20 «Абзац».
13.50 «ТИНКО» Савдо уйи.
13.55 «Деҳқонларга таллуқли масала». Янги йил сони.

* * *

15.55 «Бизнес: янги номлар».
16.10 «Рост» студияси. «Хит кундалиги».
16.40 Янгиликлар.
16.55 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».
17.40 Парламент хабарномаси.
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
18.20 Эълонлар.
18.25 Христианлар учун кўрсатув.
18.55 Маза, таътиллар. «Моцарт» операцияси». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 3-серия.

19.25—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 «Шарман-шоу». 2-қисм.
23.40 Спорт кўрсатуви.
23.45 «Вариацияли мавзу».
00.15 «Тверскойдаги қаҳвахона» таништирилади.
00.35 «Джаз-филармонист-холл». Бнг-бенд (Швеция).

Пайшанба, 31. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 Санъат оламида. «Дунё кезган либослар».
8.10 «Янги йил эшик қоқмоқда». Кинопрограмма.
9.10 «Цирк! Цирк! Цирк!».
9.55 Болалар учун фильм. «Қор маликаси».
11.20 «Томоша». Фильм-концерт.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Баджаҳл Бамбр», «Лизюков кўчасида яшовчи мушукча». Мультфильмлар.
18.30 Болалар учун. «Арча қўшиғи».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Халқ куйларини қалбингда асра». Фильм-концерт.
19.50 «Аския». Телефильм премьераси.
20.30 «Йилнома».
21.10 «Мустақиллик муборак!». Ҳужжатли фильм премьераси.
22.00 «Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!». Мусиқий байрам кўрсатуви. 1-қисм.
23.50 Янги йил қутлови.
00.05 Янги йилингиз қутлуғ бўлсин! Мусиқий байрам кўрсатуви. 2-қисм. Кўрсатув тугагач — ҳинд бадиий фильми. 1—2-серия лар.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Шарқ калейдоскопи».
19.10 Болалар учун. «Табассум».
19.55 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Спринт».
20.30 «Йилнома».
21.10 «Бу оқшомда».
22.50 «Эсдалик учун дастхат».
23.50 Янги йил қутлови.
00.05 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 —Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Эпизодлар». Концерт.
9.40 «Кидди-Видди».
9.55 Қадимий сахий эртаклар. «Ун икки ой». 1-серия.
11.10 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
12.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
Кундузги киноэкспресс
12.25 «Д' Артаньян ва уч мушкетёр». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
13.35 Хоккей. Европа чемпионлари кубоги. Финал. 3-давр. Германиядан кўрсатилади.
14.15 «Тақдир ҳазили ёки Қушдек енгил бўлинг». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-серия лар.
17.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Матбуот-экспресс».
18.35 «Эфирда мусиқа». Янги йил сони.
19.50 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Ҳеч нарса ҳақида репортаж».
21.40 «Мусиқий жилолар».
22.10 М. Задорнов. «Билсангиз ҳазил...».
23.20 «Янги йил кечаси-93».
03.50 «Таъбирнома».

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Гуффи-Геймз».
9.40 «Рост» студияси. «Бефойда сабоқлар».
10.10 Ретро. «Композитор И. Дунаевский: ҳаёти, қўшиқлари, тақдири».
11.10 «Янги йил дайжести-92».
11.55 Кундузги сеанс. «Нейлон арча». Бадиий фильм.
13.10 И. Корнелюк куйлайди.
13.50 «ТИНКО» Савдо уйи.
13.55 «Альбуцид». Янги йил томошалари.
14.50 Санъат майдони. «Мангу классика».
15.40 «Оқ қарға».
16.30 Уз ишининг усталари. «Мен бахтли инсонман».
17.30 Маза, таътиллар. «Моцарт» операцияси». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 4-серия.

18.00—22.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.30 Телеэкранда премьера. «Олма». Бадиий фильм. (АҚШ).
24.00 Янги йилингиз билан!
00.05 «Маски-шоу».
00.35 Рақс марафони.
01.20 «Экзотика».
02.20 Кўзбоғловчилар клуби.
02.50 Катталар учун мультфильмлар.
03.10 «Джентльмен-шоу».
03.20 Тунги детектив. «Улимнинг қизил ниқоби». Бадиий фильм (АҚШ).

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Жума, 1. I

● ЎзТВ I

8.00 «Йилнома».
8.40 «Қиш манзаралари». Кинопрограмма.
9.10 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Кулоя ва хурмача». Бадиий фильм.
10.30 «Эстрада калейдоскопи».
11.30 «Нақшингиз хуморимам».
12.10 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Янги йил тилаклари».

* * *

18.00 «Мультипанорама».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Билдирсой». Телефильм.
19.30 Телевизион миниатюралар театри.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Марҳабо, Янги йил!». Мусиқий кўрсатув.
22.45 «Суюнчи». Бадиий фильм.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ.

● «ОРБИТА IV»

8.30, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
8.35 «Мистер Крюгер ва рождество». Қиш эртаги.
9.05 «Пингвинча». Мультфильм.
9.15 «Циркни ҳамма севади». Екатеринбургдан кўрсатилади.
10.00 Қадимий сахий эртаклар. «Ун икки ой». 2-серия.
11.20 «Золушка ҳузурида зиёфатда».
12.30 «Омад».
13.10 «Иягариярк».
13.50 Хотирамизда қолган фильмлар. «Қизлар» («Мосфильм», 1962 й.).
15.30 «Росомаха ва тулки». Мультфильм.
15.40 «Матбуот-экспресс».
15.55 «Мушкетёрлар орадан йигирма йил ўтгач». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия (Одесса киностудияси).
17.00 «Ҳайвонот оламида».
17.35 «Бир боқишда муҳаббат». Халқаро сони.
18.10 «Лямзи-тирн-бонди — ёвуз сеҳргар». Мультфильм.
18.20 «Мария Миронова: кеча, бугун ва эртага».
19.10 «Мўъжизалар майдони».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.20 «Останкино хит-паради».
23.40 «Қачонлардир — узоқ ўтмишда...». Катталар учун мультфильм.
24.00 Янгиликлар.
00.40 «ВИД» таништиради.
01.10 «Энеида». Катталар учун мультфильм премьераси.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Россия телевизион театри. «Сеҳрли узун». Рязань қўғирчоқ театри фильм-спектакли.
9.15 «Ретро-шлягер». Янги йил сони.
9.50 «Нептун байрами». Бадиий фильм.
10.35 «Аёллар астрологияси ёки майор Пронинни ким отди?».
11.20 «Мисс Америка-92». Атлантик-Ситидан олиб кўрсатилади.
12.50 Телеэкранда премьера. «Қора шаҳзода Аджуба». Бадиий фильм (СССР—Ҳиндистон). 1-серия.
14.00 «Қора шаҳзода Аджуба». Бадиий фильм. 2-серия.
15.05 Балет-видео. А. Адан. «Жизель». Солистка Н. Манарова (ЖАРдан кўрсатилади).
16.40 «Фарс-мажор».
17.10 Мульти-пульти.
17.30 «Фольклор».
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
18.20 Эълонлар.
18.25 Маза, таътиллар. «Моцарт» операцияси». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 5-серия.

18.55—21.10
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.10 Жума кунлари Уолт Дисней. «Рождество юлдузи». Бадиий фильм. 2-серия.
22.00 Хабарлар.
22.20 Эълонлар.
22.25 «К-2» таништиради: «Алвидо, СССР». Ҳужжатли фильм.
23.30 «Осойишта уй». Кўрсатувни С. Шолохов олиб боради.
00.15 Эълонлар.
00.20 Б. Брунов таваллуднинг 70 йиллигига бағишланган кўрсатув.

Шанба, 2. I

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Мио, болагинам Мио». Бадиий фильм.
9.35 «Ўзбекистон спорти».
10.05 «Қўнғир айиқ ҳақида». Телефильм.
10.30 «Мукаррама опа ва 40 гўзал». Фильм-концерт.
11.20 «Ёрилтош». Болалар учун кўрсатув.
11.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ун саккизга кирмаган ким бор!».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ялқов», «Шалпангқулоқ», «Кучукча ва эски шиппак». Мультфильмлар.
18.30 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
19.30 «Янграсин шўх яллалар». Мусиқий кўрсатув.
20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 «Марду майдон». Бизнес-шоу. Бухоро.
22.10 «Келинлар қўзғолони». Бадиий фильм.
23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ

16.05 «Мульти-шоу».
16.45 «Ўтиб бораётган йилнинг охирги туни». Бадиий фильм.
18.00 Концерт.
19.00 Хабарлар.
19.20 «Заманиздин залкар актёри». Қирғизистон Республикасининг халқ артисти Советбек Жумадилов — 60 ёшда.
21.00 Хабарлар.
21.20 «Заманиздин залкар актёри». Қирғизистон Республикасининг халқ артисти Советбек Жумадилов — 60 ёшда (давоми).

● «ОРБИТА IV»

7.40, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
7.45 Эрталабки гимнастика.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спорт-имконият».
9.00 «Марафон-15» — кичкинтойларга».
9.25 Экологик шарҳ.
9.40 «Марказ».
10.10 «Мусиқий сайл».
10.30 «Иш».
11.00 «Бумеранг».
11.30 «Шанба кунги дастхат».
12.00 «АБВГД—ЛТД» телесериали премьераси. 11-серия.
12.30 «Венадан Янги йил табриги».
14.50 «Технодром».
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Мушкетёрлар орадан йигирма йил ўтгач». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
16.35 «Ультра-си».
17.35 «Қизил квадрат».
18.15 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Оливер». Бадиий фильм (АҚШ).
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Қувноқлар ва топқирлар клубида Янги йил кечаси».
23.25 «Эфирда мусиқа».
24.00 Янгиликлар.
00.40 «Хит-топ-шоу 50х50».

● «ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар.
8.20 «Гувоҳлар ҳузурида якама-якка». Лора Кинт.
8.55 Мульти-пульти.
9.20 «Оилавий учрашувлар».
10.15 «Тёзки-шоу».
11.00 «Ҳали англанмаган коинот».
12.00 Кундузги сеанс. «Жаҳонгашталик эртаги». Бадиий фильм.
13.40 «Фаришталар хори».
14.00 «Бурда моден» тавсия этади».
14.30 «Дораэмон». Мультфильм премьераси. 16-серия.

*

14.45—17.25
ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
«ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

1. «Дўстлик» студиясининг меҳмони — Ўзбекистон Республикаси қуролли кучларининг ашула ва рақс ансамбли.
2. «Тошкент — дўстлик шаҳри».
3. «Бизнес мирас» (татар тилида).
4. «Умид» (уйғур тилида).
5. «Ижод бўсагасида».

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.25 Маза, таътиллар. «Моцарт» операцияси». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 6-серия.
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
18.20 Мульти-пульти.
18.30 Янги йил пироги.
18.40 Телеэкранда премьера. «Мадо, талаб қилиб олгунча». Бадиий фильм (Франция—Россия).

*

20.25—00.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
00.25 Тунги сеанс. «Бўрибосар». Бадиий фильм.

Якшанба, 3. I

● ЎзТВ I

7.00 «Тандир, арча, олов». Телефильм.
7.15 «Ер ва диёр таронаси».

*

8.00 «Туркистон» ахбороти.
8.30 Болалар учун фильм. «Нозик-ниҳол малика».
9.55 «Қизил Ярмой шуъласи».
10.25 «Ёдноа». Холиёр Даминов.
10.45 «Эл хизматида».
11.15 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Узингни эр бил-санг...».
12.00 «Инсон ва замин».
Тижорат канали:
13.00 «Ялламанинг 60 баҳори». Чиноз ноҳияси Й. Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ҳақида.
13.45 «Сарҳисоб». А. Навойи номли жамоа хўжалиги иш тажрибасидан.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Кичкинтой» студияси кўрсатади.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Мозийга қайтиб». Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллиги олдидан.
20.00 Ўзбекистон халқ артисти Камолиддин Раҳимов куйлайди.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Наштар» — меҳмонимиз.
21.40 «Тоҳир ва Зуҳра». Бадиий фильм.
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ

17.35 «Кузька учун уй», «Спорт». Мультфильмлар.
18.00 Телетомошабинларнинг талабларига бинован концерт.
19.00 Хабарлар.
19.20 «Канизак Изаура». Кўп серияли бадиий телефильм. 10-серия (рус тилида).
20.20 «Ала-Тоо шаҳри». Республика фольклор-этнографик ансамбларининг кўрик-танлови. Якунловчи концерт.

● «ОРБИТА IV»

6.50, 15.15, 22.45 — Кўрсатувлар тартиби.
6.55 «Руҳни чиниқтириш».
7.55 Янгиликлар.
8.30 Эрталабки гимнастика.
8.40 «Спортлото» тиражи.
9.00 «Эрта саҳарлаб». «Денвер — динозаврларнинг энг охиргиси». Кўп серияли мультфильм премьераси.
9.30 «Ҳозирча ҳаммаси жойида».
10.00 «Тонг юлдузи».
10.50 Қадимий сахий эртаклар. «Қизиқ гул».
12.05 П. Нерсесян чалади (фортепиано).
12.15 «Тиббиёт сиз учун».
12.55 «АБВГД—ЛТД» телесериали премьераси. 12-серия.
«КТВ-I» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради
13.25 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси.
13.35 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.

*

14.25 «Эрмитаж». Кўп серияли телефильм премьераси. 1-серия.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Мушкетёрлар орадан йигирма йил ўтгач». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
16.35 «Ҳунарли хор бўлмайди».
16.40 «Максима».
17.10 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
17.50 Мультфейерверк: «Каспер ва унинг дўстлари» (Англия), «Шарпа овловчилар (АҚШ).
18.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
19.00 «Қойилмақом еттовлон».
Якшанба кинокўрсатуви
20.00 «Киношарҳ».
20.30 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Валтасар базмлари ёки Сталин билан бир тун». Бадиий фильм («Ладья» экспериментал ижодий бирлашмаси).
21.55 Эълонлар.

*

22.00 Якунлар.
22.50 «Олтой. Йил фасллари». Телефильм.
23.00 «Даврани кенгроқ олинг». Янги йил кўрсатуви. Тамаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
01.05 Париж — Дакар авторалиси.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Спорт олами «Жиллетт» фирмаси нигоҳи билан».
8.50 «Сиз яратган бог».
9.20 Фольклор. «Рождество».
9.50 «Рост» студияси. «Эски тегирмон». 2-кўрсатув.
10.20 «Киролличидаги саргузашт». Қўғирчоқ мультфильм.
10.50 «Ати-бати...».
11.20 Телекроссворд. «Муз-биржа».
11.50 «Познер ва Донахью».
12.20 Россиянинг телевизион театри. Ж.-Б. Молер. «Хасис». 1-серия.
13.45 Ж.-Б. Молер. «Хасис». 2-серия.

*

14.55—17.10
ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
«ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

1. «Замандас» (қозоқ тилида).
2. «Аноргул». Ўзбек зардўзлари ҳақида.
3. «Рангинамон» (тожик тилида).

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.10 Уолт Диснейнинг сеҳрли олами. «Винни-Пухнинг янги саргузаштлари», «Қора плашч». Мультфильмлар.
18.00 Хабарлар.
18.20 Эълонлар.
18.25 Маза, таътиллар. «Моцарт» операцияси». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 7-серия.

*

18.55—23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
23.00 Голливуд классик фильмлари фестивали.
00.40 «Петерс-поп-шоу».

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 25 декабрь сонидан олинди.

● Спорт

ЯКУНЛАР ВА РЕЖАЛАР

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида анъанавий байрамолди йиғилиши ўтказилди.

— Ўзбекистон Мустақиллиги катта байрам қилинган йилни муваффақиятли якунлаяпмиз, — дейди спорт қўмитаси раиси С. Рўзиев. — 9 март куни республикамиз Президенти дастхати туширилган мактубни халқаро олимпиада қўмитасининг раисига топширилиши спорт ҳаётимизда муҳим воқеага айланди. Шу кундан бошлаб Тошкентнинг 2000 йилда олимпиада ўйинларини ўтказиб беришга даъвогарлиги бошланди. Ҳозир Тошкентимиз ана шундай хайрли ишга талабгор саккиз шаҳар орасига юқори мавқега эга бўлиб турибди. Тошкентнинг катта ишга қўл ураётгани халқаро спорт жамоатчилиги, ишбилармонлар, тижоратчилар ва мутахассисларни ҳам қизиқтириб қолди. Келаси йили сентябрда омадимиз келса, олимпиадага даъвогарлик масаласи бизнинг фойдамизга ҳал бўлса, ажабмас.

Йиғилишда сўзга чиққанлар ёки мухбирларнинг саволларига жавоб берганлар янги йилда катта режаларни амалга ошириш лозимлиги, жаҳон миқёсида Ўзбекистон спорт байроғини баланд кўтаришдек шарафли вазифа турганлигини таъкидладилар. Таниқли спортчиларни Ўзбекистонга хос кийинтириш ҳам муаммолардан эканлиги ўртага ташланди.

Республикада миллий спортни ривожлантириш, оммавийлигини таъминлаш, хусусан болалар спортига эътиборни кучайтириш масалалари ҳал қилинаётгани эътироф этилди. Жумладан, келаси йили 12—18 ёшли спортчилар ўртасида халқаро «Дўстлик» мусобақасини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Хиросимада спортнинг 34 тури бўйича ўтказиладиган «Осиё ўйинлари»га тайёргарликни ҳозирданоқ бошлаш зарурлиги ўртага қўйилди. Бу ўринда Тошкентда Қозоғистон, Озарбайжон ва Ўрта Осиё республикалари ўртасида анъанавий «Дўстлик» мусобақасини ўтказиш муҳим тайёргарлик босқичларидан бирига айланиши керак. Хулоса қилиб айтганда, республикамизда спортнинг оммавийлигини таъминлаш учун барча имкониятларни ишга солишга ҳаракат қилинади.

Х. НОСИРОВ.

ҚЎШИҚЛАРИ КЎПДИР ШОИРНИНГ...

Зарафшон воҳасининг қўшиқлари етти иқлимга таралган. Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир Назар ўғли ҳамда Пўлкан шоирларнинг термалари, достонлари халқимизнинг юрагида, дилида. Шу боисдан ҳам қўшиқсевар, ижодсевар халқимиз Ислом шоир таваллудининг 120 йиллигига ҳар қачонгидан эътиборлироқ тайёргарлик кўрди.

— Отам Ноғарахона қишлоғида бригадир, раис бўлиб ишлаганлар, деб эслайди район ҳокими Нормамат Тошматов. — У киши Ислом шоир билан яқин алоқада бўлганлар. Отам раҳматли шоирнинг бетакрор иқтидори, одамохунлиги ҳақида ҳамиша эҳтирос билан сўз юритардилар. Шуни таъкидлаш керакки, биз район меҳнаткашларининг талабистакларини ҳисобга олиб, 1992 йилни Нарпайда Ислом шоир йили, деб эълон қилдик. Қишлоқларда, мактабларда, хўжаликларда унинг ижодига бағишлаб конкурслар, мушоиралар, учрашувлар ўтказилди.

Саъдулла бахши Хушвақтов Ислом шоирнинг энг яқин шогирдларидан бири ҳисобланади.

— Мен устозимнинг сўзамоллигига қойил қолганман, — деб эслайди Саъдулла ака. — 1950 йилнинг кўкламида Ислом ота билан «Иттифоқ» жамоа хўжалигига бордик. Идора қоровули билан суҳбатлашиб ўтирганимизда ҳосилот Хидир Остонов келиб қолди. Ислом ота у билан кўришгач, шеър тўқиб юбордилар.

Ҳосилот Хидиров Остон Келганимизга ошди
уч соатдан
Раҳбарларнинг бирортаси ҳам йўқ

Лекин қоровул билан гаплашиб, Тўйиб ётибмиз носдан.

Хуллас, устозим ана шунақа одам эдилар.

Дарҳақиқат, Ислом шоир ноёб истеъдод соҳиби эди. 1932 йилда «Қизил Нарпай» номи билан чоп этила бошлаган район газетасида у ўзининг ажойиб термалари билан чиқиб турар эди. Дарвоқе, ушбу газета ҳам бугун ўзининг 60 йиллигини нишонлаяпти.

Ислом шоир Назар ўғли 40 дан зиёд достонни ёддан билган. У тўйларда, маъракаларда ҳамиша ҳамқишлоқларининг, ҳамюртларининг энг яқин дўсти, ҳамфикри эди. Шу боис унинг жигаргўшаси — ўғли Зиёдулла бахши Исломов ҳам қўлидан дўмбирасини қўймайди. Зиёдулла аслида қурувчи. Бироқ ота касбини давом эттириб, халққа сидқидилдан хизмат қилаётир.

— Зиёдулладаги талантни ҳам ўз вақтида илғаб, унга ёрдамлашдик, — дейди Ислом шоирнинг шогирдларидан бири Сафар ака Хоназаров. Аввалига болакай ниҳоятда қийналди, уялди, тортинди. Лекин биз ҳам бўш келмадик. «Тепкилаб-тепкилаб» овозини отасининг овозига ўхшатиб олдик. Менимча, Нарпайда яна бир буюк оқин дунёга келди.

БУГУН НАРПАЙЛИКЛАР ДУНЁ ТАНИГАН ҲАМЮРТЛАРИ ИСЛОМ ШОИР НАЗАР ЎҒЛИ, ТАВАЛЛУДИНИНГ 120, НАРПАЙ РАЙОНИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 65, «ПАХТАКОР ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ИЛК СОНИ ЧОП ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 60, ОҚТОШ ШАҲРИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАЙДИЛАР.



СУРАТДА: Ислом шоирнинг ўғли Зиёдулло бахши ва невараси.

Шуни айтиш керакки, халқ бахшиси ижросидаги достонлар бағрига яширинган буюк туйғулар унинг қалб изҳори эди. Жалақассоб қишлоғида вояга етиб, шоир сифатида камол топган Ислом Назар ўғли ўзининг бутун иқтидорини, меҳр-муҳаббатини она юртнинг келажагига бағишлади. Атоқли бахши — Эрназар шоирга шогирд тушиб, «Гулихиромон», «Ҳасанхон», «Равшанхон» достонларини ёд олди ва ўзи ҳам термалар ярата бошлади.

— 30-йилларда онам тўрт фарзанд билан Ислом отага турмушга чиқдилар, деб эслайди шоирнинг қизи Ойимсулув Расулова, — бироқ халқ оқини биз сағирларнинг бошимизни силади, етимлигимизни билдирмади. Айниқса қизлардан ҳеч нарсани аямасдилар.

Дарвоқе, атоқли адиб Шароф Рашидов ҳам халқ бахшиларига юксак баҳо берган эди. «Ислом шоир, Пўлкан шоир, Фозил шоир минг йиллар ичида битта ёки иккита туғилиши мумкин. Ўттизталаб достонларни ижод қилган ва шу достонларнинг ҳар бир сатрини ёдида сақлай олган улуғ зотлар тарихнинг фахридир. инсониятнинг фахридир. Шунинг учун ҳам уларнинг номи мангудир, ижоди абадий яшайди ва асрларни машъал бўлиб ёритиб туради». Назаримизда бундай улкан баҳо халқнинг буюк оқинларга хусусан, Ислом шоир ижодига бўлган муносабатининг ёрқин ифодасидир. Демак, Ислом шоир достонлари бундан кейин ҳам давраларда янграйверади. Чунки унинг қўшиқлари жуда кўп...

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Табиат ва инсон

Тоғ ўз гўзалликларини бир кунлик меҳмон ё саёҳатчига кўрсатмайди. Бунинг учун беш олти кун юлдузли кечалару гулханнинг ёниб битган чўғларига маҳлиё бўлиш, ҳамсуҳбатингиз билан гурунглашиб, сойнинг алладек сеҳрли шилдирашига қулоқ осиш, чодирда серҳуш тин олиш, тонгни қаршилаб, юз-қўлни муздек чашма сувга пишиш, кул босган гулханга арча игналаридан ташлаб, гурилатиш керак, қумғонингиз вақирлагунча қояларо кўтарилаётган қуёшни чорлаб сайраётган какликлар «мажлисини» кузатсангиз виқорли тоғлар залворини ҳис этиш мумкин... Ана шундай дақиқаларда кўркамлик, улуғворлик, қорли чўққиларнинг қуёш тиғида товланиши дилларга жо бўлади, ўзингизни тоғ боласидек сезасиз.

БИР ГУРУНГДА

Бир қизиқарли суҳбат ёдимга келади: чилла совуғида чўян печкани қизартириб, гувиллаётган арча ўтинининг ёнишию ёқимли ҳидига маҳлиё бўлиб ўтирган отахонлар ёшлик чоғларидаги қизиқ саргузаштлари ҳақида гурунглашарди. Агар ёш ўтганда ёнбошлаб, ўтган кунлар эсланса, бу — қарилик белгиси, борди-ю эзгу ниятлар қилинса бу—кўнгилнинг ёшлигидандир. Норқул ва Шерқул исмли оқсоқоллар ҳаммани ўзларига қаратиб ўтиришарди. Улар доврўғ тараттан полвонлардан. Полвон беллашуви ҳақидаги суҳбат улоқ билан боғлиқ гапларга илашиб кетади. Фақат мезбон Бегимқул бобо бир бурчакда гапга аралашмай, жимгина ўтирарди. 97 баҳорни қаршилаган, юзинг босволди, қовуннинг тўрларидек ажин босган бу отахон ҳеч нарсага қизиқмай қўйгандек.

Гап каклик овига бориб тақалди. Шунда Бегимқул бобо ҳам сал тетиклангандай, ростланиб, суҳбатга қўшилди. У қирқ йил аввал Мадамин мерган билан каклик овига боргани, тоғда тунаб қолишгани ва гулхан атрофида каклик шўрва қилишгани ҳақида завқ билан ҳикоя қилди: «Ҳали ҳам ўша шўрванинг таъми оғзимда», деб қўйди. Кейин Шерқул ота ҳам ёшликда тоғлар кезгани, қир-адирлар ҳавосининг мусаффолигини таърифлай кетди. «Бундай ҳаво булоқ сувини сиқоришдек гап», дея завқланди. Яна кимдир қўнғирбош ва ирхон ўсган яйловларда яйраган бияларнинг қимизидан тотиб кўрганлиги, ҳузуридан арча тагида, тоғ шабадасида «қотиб» ухлаганини хотирлади.

Шуни айтадилар-да ёшликда кўрган, завқланган қолади деб. Хотиротни ажиб воқеалар, саъй-ҳаракатлар бойитиши, савобли ишларга қўл уриш кексайганда ҳаёлан ёшликка қайтиш, яна бир бор энтикиб, ҳаяжонланиш кўнгилдаги эзгуликка эпкин бераверади. Дунёда яхшилик қолади, дейишнинг боиси ҳам шунда. Тоғ кўркамлиги ҳақида кўпроқ тўхталишимиз бежиз эмас. Чунки табиатни севган, асраган, ўз уйим деб билган инсон қалбида ватанпарварлик ҳисси кўпроқ жўш уради. Зеро, одамнинг кимлигини у яшаган йиллар эмас, умр мазмуни белгилайди. Фурсат эса ғанимат, азизлар!

Ғафур ЖЎРАЕВ.

• ЯНГИ ШЕЪРЛАР

СОҒИНЧ САТРЛАРИ

«Болахонада яшаб халқ дардини қуйлаб бўлармиди, ука. Тақдир тақозоси билан пойтахтга келиб қолдим. Хизматчилик-да, энди. Бироз ўрганиб ҳам қолдим мана. Аммо жуда дарёни соғиняпман...»

Ҳамроқул Ризони Сирдарёда билмаган йўқ. Вилоятнинг деҳқони ҳам, чорвадори ҳам уни танийди. Ҳатто, балиқчиси ҳам кўзичоқдай лаққаларини шоир билан ширин суҳбат аро баҳам кўргиси келади. Нима дейсиз, шоир деганининг жўраси кўп бўлади, шунақа.

Юртини, туғилган жойини қўмсамай қўйган одам ёзолмайди .Шоирни шоир қилган туйғу бу — Соғинч.

Ҳамроқул Ризонинг пойтахтда битган соғинч тўла сатрларини Сизга илиндик, азиз дўстлар.

Ҳамроқул РИЗО.

БИР КУНИ

Эмишки, бир куни Улуғбек устоз
Бир тўп навкар билан чиқмиш шикорга.
Дилларга гул каби бўлганди мумтоз,
Бу олам бағрини очиб баҳорга.
Баногоҳ нигоҳи қадалгач ерга,
Тулпорнинг тизгинин тортди ўшал он.
Навкарлар тўхтади у билан бирга,
Ерда ётар эди унутилган нон.
Отдан ирғиб тушди Султон Улуғбек,
Нонни олиб суртди қошу кўзига.
Навкарлар бир нафас қолган эди тек,
Ҳайрат билан боқиб шоҳнинг юзига.
Ҳайратнинг боиси — Улуғбек шоҳни
Отдан туширганди ерда ётган нон!..
Шу нонни қолдирган тегирмончини,
Кеча босиб қолган эди тегирмон.

ХУДБИНГА

Қор бўлсам, ёғмасдим йўлингга сенинг,
Сой бўлсам, оқмасдим чўлингга сенинг.
Бўлганимда тунни ёритгувчи ой,
Дарангда кезмасдим бахш этиб чирой.
Шамол бўлсам, кезмас эдим боғингда,
Арча бўлсам, ўсмас эдим тоғингда.
Тикан бўлсам, кирар эдим кўзингга,
Нечун топмадинг, деб пок йўл ўзингга.

МАШРАБ ВА «КАПИТАЛ»

Машрабим, ҳақсан ўзинг,
Юлдуздай ёнар кўзинг.
Диёнатга чорлайди,
Дур янглиг айтган сўзинг.
Майсалар сўлғон экан,
Мироби ўлғон экан.
Етмиш уч йил ўқиганим —
«Капитал» ёлғон экан.

ИЛОЖИ БЎЛСА

Тулпор от сўрама ҳотамдан, бўтам,
Иложи бўлса гар, сўраб олгин дон.
Тупроққа экасан келганда кўклам,
Кузда кўтарасан серҳосил хирмон.
Умр ҳам сўрама Ҳотамдан, бўтам,
Иложини топсанг, ун сўра шу он.
Милкингни куйдирар кўзингдаги нам,
Боланг нон сўраса, тополмасанг нон!..

ҲАЙВОНОТ БОҒИДАГИ АРСЛОН

Кўзи хира тортган, нигоҳи совуқ,
Ҳафсаласи ҳам йўқ яшашга ҳатто.
Ёндаги қафасда чорлар тустовуқ,
Арслон томон келар одамлар аммо,
Унгу сўлга урмас арслон ўзни,
Торгина қафаснинг ичи сокин, жим,
Сеҳрлаб қўймайди қудрати сизни,
Ҳайвонлар султони, демайди ҳечким.
Мен ҳам кўрганимда бу нохуш ҳолни,
Бир туйғу чулғайди дилимни шу он.
«Темир қафас ичра ўтган ҳаётни
Умр ҳисобига қўшармн арслон!!»

СЕНГА

Зиё сўраб бормайман сенга,
Дунё сўраб бормайман сенга.
Боғим сувсизликдан ҳазон бўлса ҳам
Дарё сўраб бормайман сэнга.

О Н А

Ун қизин хотиржам узатди она
Лекин бир келиндан қуриди шўри.
Мингта қўй шоширмас чўпонни баъзан,
Аммо шоширади нафси бад бўри.

* * *

Оқшом сукунатни бузар асов сой,
Сойга чўмилгани келар тўлин ой.
Ойни қучмоқ учун сой оқар гирён,
Сойда чўмилай деб, ой чиқар мудом.

* * *

Ажабланма, отнинг тепкиларидан,
Ажабланма, итнинг қопқиларидан.
Бева йиғлар эри ўлганигамас,
Эри ўлмаганлар кулгиларидан.

* * *

Тўқсонга кирибди манов Мустафо,
Шунча узоқ умр қайдан, ажабо!
Балким одамларга кўргиз деб меҳр,
Ҳизр ҳазратлари берганлар сеҳр.

ОНАНИНГ ҚИЗИГА ДЕГАНИ

Келин гулга қўнган булбулдир шўхчан,
Қаршисида мулзам, ҳатто, фаришта.
Келин бўлиш каби соф ният билан
Қайси қиз тунлари тикмаган каштa!
Бугун-чи, онамен, ниятим порлоқ,
Кўзимнинг олдида бўй етган қизим.
Гўзаллигим унга ўтгандир шундоқ.
Эртан келин бўлар менинг юлдузим.
Қизим—дунёдаги гўзал гавҳарим,
Кўзим қорачиғи бўйнингга маржон.
Севинчдан айлансин, бошинг, илойим,
Юрагинг санчмасин ғамдан ҳечқачон.
Сен олдин ўзингни қадрла қизим,
Сўнг ёрни қадрлаб кўтар бошингга.
Шунда у атайди шунда қундузим
Ва қуёшдай кулиб турар қошингда.
Ёқимли табассум ва ширин сўзинг,
Уйинг юрагига беролсин таскин.
Ўринсиз айтилган бир гапдан, қизим,
Орага совуқлик тушиши мумкин.
Фарзандлар ўстиргин кўплар қатори,
Улар ўз элига қалқон бўлишсин.
Юракка қўнганда соғинч ғуборн,
Қошингга она деб, кулиб келишсин.

• «Ўзбекистон овози» шахмат танлови

ШАТРАНЖ ОЛАМИДАГИ ГАПЛАР · МУТАСАДДИ · FIDE · МАМАЖОН МУҲИДДИНОВ

ЖАВОБЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИБ КЎРИНГ

Устоз Пўлатхон Саидхонов таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб ўтказилган танловнинг икки ярим ой мобайнида бериб борилган топшириқларига сиз азиз мухлислардан юзлаб жавоб мактублари олдик. Уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида жавоб қайтаришнинг имкони йўқ, албатта. Бинобарин, барча топшириқларнинг тўғри жавобларини эълон қилмоқдамиз. Шунга қараб, қанча очко олганингиз маълум бўлади-қўяди.

1-ТОПШИРИҚ Масала. 2 юришда мот (2 очко
Жавоби 1f4! ва ҳоказо
2-ТОПШИРИҚ. Масала. 2 юришда мот (2 очко).
Жавоби 1 Лс4! ва ҳоказо.
3-ТОПШИРИҚ. Масала, 2 юришда мот (2 очко).
Жавоби: 1Кd5! ва ҳоказо.
4-ТОПШИРИҚ. Масала, 2 юришда мот (2 очко).
Жавоб: 1 Лg6.
5-ТОПШИРИҚ. Масала. 3 юришда мот (3 очко).
Жавоби: 1. ЛЕ5! Энди 1... Кр,е5 бўлса, 2 Кb8 ва кейинги юришда мот ёки 1... Крd7. 2. Кс5+ ва кейинги юришда мот ёки 1...С6 2. Фd4 Х.
6-ТОПШИРИҚ. Масала. 3 юришда мот (3 очко).
Жавоби: 1. С.3! Кре5. 2.Фd7! Кейинги юришда мот ёки 1... Крf4 бўлса, 2Фh5! кейинги юришда мот.
7-ТОПШИРИҚ. Масала. 3 юришда мот (3 очко).
Жавоби: 1. Сg8 с2 2. Лf7! ва кейинги юришда мот.
8-ТОПШИРИҚ. Масала. 3 юришда мот (3 очко).
Жавоби: 1 Фе2! Кd:е2, 2. Кd3+сd, 3. Кf3Х, ёки 1... Кf:е2, 2. Кf3+еf 3. Кd3Х ва ҳоказо.
9-ТОПШИРИҚ. Масала. 5 юришда мот (4 очко).
Жавоби: 1. Кс3! Крh1 2. Ке4 Крd2 3. Кд2. Крh1. 4. Кf1 h2 5. Кg3Х.
10-ТОПШИРИҚ. Масала. 7 юришда мот (4 очко).
Жавоби: 1Крg7! b3 2. Кb2 аb, 3. Крh8! d2, 4. Сf5 b1 Ф, 5. Сс8 Фh7+6. Крh7 сўнг 7. Сb7 Х.
11-ТОПШИРИҚ. Этюд. Оқлар бошлаб ютади (4 очко).
Жавоби: 1. Фс8 Фg3 (1... Кg5 бўлса, 2. Фа8. Крg3, 2. К3 Фg2+Крf4, 4. Фh2+). 2. Кg4+Крh3, 3. Ке3+ Крh2, 4. Фс2+Крh3 (4... Крh1 бўлса, 5. 5 Фh7+Фh2, 6. Фе4+), 5. Фf5+Крh2, 6. Кg4+Крh3, 7. Фh5+Фh4, 8. Кf2+Крg3, 9. Кh1+ Крh3, 10. Фf3+Крh2, 11. Фg2Х.
12-ТОПШИРИҚ. Этюд. Дуранг. (4 очко).
Жавоби: 1. Лс4! (1. Лb5 +? бўлса, 1...Кр а7, 2. Ла5 +Крb6. 3. Ла4 Фd1+), 1... Крb6 (1...Фс4 бўлса, 2Кd6 +) 2. Лd4+ Кра5, 3. Ла4 +Крb5. (3..., Л:а4 бўлса, 4. Крb3 Фd1+6.Крb2 Дуранг. Кс5+), 4. Дрb2!! Фе2+ 5. чунки, оқлар Кс3 юриб олса бас.
13-ТОПШИРИҚ. Этюд. Оқлар бошлаб ютади (4 очко).
Жавоби: 1 Сf7! Кd2, 2. Сd5 Кс4, 3. Сf3! Ке3, 4. Се4.
14-ТОПШИРИҚ. Этюд. Оқлар бошлаб ютади (4 очко).
Жавоби: 1. Се3+f4! (1... Кg7, 2. Крlg2, 2. Кр: hg, 3. h6+Крh7. 4. Сс1f4, 5. Крf3 Кр:h6, 6. Крg4!—ютуқ), 2. К:f4 g1 Ф! 3 С:g1 b2, 4. Сс5 Крg7, 5. Сd4+ Крh6, 6. Ке6 (албатта, 6. С:b2? эмас?—мот), 6... b1 Ф7, Сg7+Кр:h5, 8. Кf4+Кр:h4, 9. 5f6Х Ажойиб финал.
15-ТОПШИРИҚ. Комбинация. Юриш қоралардан. Қандай ўйнардингиз (4 очко).
Жавоби: 1... Лh1+! 2. Кр:h1 еf ва ютуқ.
16-ТОПШИРИҚ. Комбинация. Юриш оқлардан, юра оласизми? (4 очко).
Жавоби: 1. f5! С:f5 2. Кf4+ Кре 5, 3. Лd1 (4. Лb 5Х хавфини туғдириб) 3...с6, 4. Лd5+сd, 5. Кd3+ed, 6. fКХ. Антиқа якун.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси автомобиль вазирлигига қарашли «Узавтошина» фирмасининг йўқолган лимит дафтарчасининг № 341846 дан №341850 гача бўлган чеклари ва № 94 рақамли ишонч қоғози бекор қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ОЛИЙ МАКТАБИ

1993—1994 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мактабга ўрта маълумотли, ички ишлар органларининг талабига жавоб берадиган, соғлиги ҳарбий хизматга ва ўқишга лойиқ бўлган, ёшлари 17 дан 25 гача бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

МАКТАБ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ УЧУН ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ ҲУҚУҚШУНОСЛИК РАҲБАР ҚАДРЛАРИ ТАЙЁРЛАЙДИ.

Ўқиш муддати — 4 йил. Дарслар 1 сентябрдан бошланади.

Ўқиш давомида тингловчилар овқат, формали кийим-кечак ва ётоқхона билан бепул таъминланади.

Кириш имтиҳонлари абитуриентларнинг хоҳишига биноан давлат ёки рус тилида бўлиши мумкин.

Кириш имтиҳонлари 1-августдан 15 августгача ўзбек (рус) тили ва адабиёти (ёзма — иншо), Ўзбекистон тарихи (оғзаки), Давлат ва ҳуқуқ асослари (оғзаки) ва жисмоний тарбиядан бўлади.

МАКТАБНИ ТУГАТГАНЛАРГА МАХСУС «МИЛИЦИЯ ЛЕЙТЕНАНТИ» УНВОНИ БЕРИЛАДИ ВА ҲУҚУҚШУНОС МУТАХАССИСЛИГИ БЕРИШ ШАРТИ БИЛАН ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ ҲУҚУҚШУНОС ДИПЛОМИ ҲАМДА ҚУҚРАК НИШОНИ ТОПШИРИЛАДИ.

Ўқишга кирувчилар батафсил маълумотларни турар жойлари бўйича вилоятлардаги ички ишлар бошқармасининг шахсий таркиб билан ишлаш хизматининг кадрлар бўлимидан олишлари мумкин.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Тошкент педиатрия медицина институти ректорати ва жамоаси касалликни нур билан аниқлаш ва даволаш кафедраси ассистенти, тиббиёт фанлари номзоди

Мирхосил Миролимович МИРХАМЕДОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий кенгаши йўл хўжалиги, транспорт, алоқа ва информатика комиссиясининг аъзоси

Лутфулла Тожихонович ТОЖИХОНОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзагроқурилиш» Республика ишлаб-чиқариш давлатширкат қурилиш бирлашмаси жамоаси мармар ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси бош директори Ш. Н. Едгорхўжаевга онаси

Мухтабар ЕДГОРХЎЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўрта Осиё Темир йўл бошқармаси раҳбарияти ва касаба иттифоқи комитети жамоаси 1-Тошкент темир йўл касалхонасининг бош врачи, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати, фахрий темирйўлчи

Лутфулла ТОЖИХОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзолари ҳамда қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги Олий мактаб жамоаси мактаб бошлиғи У. Тожихоновга акаси

Лутфулла ТОЖИХОНОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси.

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими — 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-89, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича 32-26-70.
Навбатчи муҳаррир: А. ПУЛАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси. 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—20.40. Г — 512 № 254. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12